

Рўзада бир суткада бир маротиба овқатланишга тўғри келаяпти

03:55 / 13.06.2017 4668

Савол: Ассалому алайкум! Шайх ҳазратлари. Биз ҳозирги вақтда шимолий ҳудудда ишлаймиз, шу ердаги жомеъ масжиддан олган намоз вақтлари қуйидагича 22.07.2012 й., фажр - 00:52; восход - 02:40; зухр - 12:22; аср - 17:02; мағриб - 23:18; ишаа - 00:22 ва рўзани шу тақвим билан тута бошладик Алҳамдулиллоҳ, **Савол:** бир суткада бир маротиба овқатланишга тўғри келаяпти, қийналаётганимиз йўқ, лекин зулм бўлмаяптими деб сўрамоқчи эдик. Саволимизда ноўринлик ёки камчиликлар бўлган бўлса сиздан узр сўраймиз. Ва олдиндан жавобингиз учун раҳмат айтамыз. Аллоҳ сиздан рози бўлсин

Жавоб: [Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф](#)

- Қийинчилик бўлмаса, зулм бўлмайди. Сиз айтганга ўхшаш жойларда, Маккаи Мукаррама вақти билан рўза тутишга ҳам рухсат берилган.